Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2013-yil, 6-iyun. Payshanba • 68 (31.658) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**ЎзХДП маҳаллий кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан фойдаланиб, электорат ҳуқуқ ҳамда манфаатларини самарали ҳимоя қилиш масалаларига барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари эътиборини кучайтириш зарур.**

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2013»



## «КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

*ҳар биримизнинг қалбимизга муҳрланган»*

**— Бугун нафақат танлов иштирокчилари, балки мен ҳам жуда ҳаяжондаман. Чунки ўқувчимиз Эъзоз Озодов ғолиблик учун курашаяпти, — дейди партия фаоли Бахтиёр Воҳидов. — У кўрик-танловда иштирок этиш учун бир йилдан кўпроқ тайёрланди. Биз уни қўллаб-қувватлашга келдик. Кўриниб турибдики, иштирокчиларнинг ҳар бири чуқур билимга эга.**

2

«Универсиада — 2013»

## ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

*Бугун Бухорода мамлакатимиз олий таълим муассасалари талаба-ёшларининг «Универсиада — 2013» финал босқичи мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлади*



**Бухорода ўтказиладиган бу галги Универсиада мусобақалари мамлакатимиз талаба-спортчилари учун олтинчисидир. Бунгача катта спорт байрами Наманган (2000 йил), Бухоро (2002 й.), Самарқанд (2005 й.), Тошкент (2007 й.) ҳамда Андижон (2010 й.) шаҳарларида бўлиб ўтган.**

«Универсиада — 2013» дастуридан жой олган футбол, кураш, теннис, баскетбол, енгил атлетика, волейбол, сузиш, шоҳмот, қўл тўпи, белбоғли кураш, дзюдо, стол тенниси мусобақаларини юксак савияда уюштириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Катта спорт байрамининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари вилоят марказидаги «Бухоро» спорт мажмуида ташкил этилса, қолган мусобақалар «Ҳумо» ва «Дилкушо» теннис мажмуалари, Бухоро олимпия захиралари спорт коллежининг спорт заллари, «Семурғ» спорт мажмуаси, «Динамо» спорт зали ҳамда олий таълим муассасалари спорт мажмуаларида ўтказилади.

⇨ 4

ЎзХДП: таҳлил ва таклиф

## ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ:

*янада самарадорликка эришиш долзарб вазифа*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ижроқўми Ҳайъатининг 2005 йил 30 ноябрь кунидаги қарорига мувофиқ партиямизнинг барча минтақавий, туман ва шаҳар кенгашларида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилиб, улар фаолияти тобора такомиллашиб бормоқда. Тасдиқланган Низомга мувофиқ Жамоатчилик қабулхоналари ижтимоий муаммоларни ҳал этишда аҳолига ҳуқуқий ва бошқа маслаҳат бериши, электорат ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига партия депутатлик гуруҳлари, ЎзХДП маҳаллий кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг эътиборини кучайтириш талаб этилади.

2-бет

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг







**ТАШАББУС КЎРСАТИШ**

*партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг мезонига айланиши лозим*

www.uzbekistonovozi.uz

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

## ЕТАКЧИ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

**Дилором Умарова етакчилигидаги бошланғич партия ташкилоти 25 нафар аъзони бирлаштирган. Фарғона шаҳридаги 16-маҳаллада фаолият юритаётган мазкур бошланғич ташкилот аъзолари аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тарғибот этиш ишларида фаол иштирок этмоқда.**

Яқинда мазкур башланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

— Бошланғич ташкилотда доимий равишда сиёсий ўқув, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти, — деди Дилором Умарова. — Хусусан, ҳудудимизда истиқомат қилаётган фуқаролар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг депутатлар ва сиёсатшунос, ҳуқуқшунослар билан учрашувлари мунтазам ташкил этиб келинди.

*(Давоми 2-бетда.)*



**ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ**

⇨ 3

**РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ**

*муросасиз мусобақада иродаси ва интеллектуал салоҳиятини намойиш қилди*

⇨ 4



**КЎЗДАН НЕГА ЁШ ЧИҚАДИ?**

*бунинг сабаби ўрганилмоқда*

⇨ 3

ЎзХДП: таҳлил ва таклиф

# ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ:

## янада самарадорликка эришиш долзарб вазифа

Жамоатчилик қабулхоналарининг 2012 йил ва 2013 йилнинг ўтган давридаги фаолияти таҳлили мазкур вазифалар самарали бажариб келинаётгани, электорат вакилларини ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам берилаётганини кўрсатмоқда.

2012 йилда ЎзХДП маҳаллий ташкилотлари қошидаги барча Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатлар сони 2011 йилга нисбатан камайганини кўриш мумкин. 2011 йилда Жамоатчилик қабулхоналарига тушган 10759 мурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг 70,9 фоизи ижобий ҳал этилган. 2012 йилда 7778 нафар фуқаро қабул қилиниб, мурожаатларнинг 72 фоизи ечим топган. 2013 йилнинг биринчи чорагида эса Жамоатчилик қабулхоналарига 2496 мурожаат тушиб, уларнинг 69,5 фоизи ижобий ҳал қилинган.

Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда.

Аксарият Жамоатчилик қабулхоналари ҳузурида Ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилгани аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга, уларни ўйлантирган масалалар бўйича малакали жавоблар берилишига хизмат қилмоқда.

2011 йилдан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар, «Маҳалла — аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси тадбирлари доирасида кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилаётгани ҳам ижобий самара бераётир. Шундай кўчма Жамоатчилик қабулхоналари Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар давомида фаолият кўрсатди. Уларга фуқаролардан жами 62 мурожаат тушган бўлиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзХДПдан сайланган депутатлар ва тегишли ташкилотлар ёрдамида уларнинг 41 таси ижобий ҳал этилди, бошқалари бўйича маслаҳат ва тушунтириш берилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Маҳалла — аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида туман ва шаҳарларда ўтказилган давра суҳбатлари давомида 200га яқин кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Ушбу тадбирларда жами 1275 та фуқаро партиядан сайланган депутатлар, партия етакчиларига мурожаат қилди. Таҳлиллар кўрсатишича, мурожаатларнинг 12,2 фоизи коммунал соҳа, 16 фоизи иш билан таъминлаш, 10,2 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, 9,3 фоизи иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар ўз вақтида берилиши, 9,7 фоизи аҳолига малакали тиббий хизмат сифатини яхшилаш масалалари бўйича бўлган. Шунингдек, электорат вакиллари оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, таълим, имтиёзли кредит олиш ва бошқа масалаларда мурожаат қилишган.

Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолиятини янада фаоллаштириш ва такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг май ойида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида бўлиб ўтган машғулот «Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда Жамоатчилик қабулхоналари ва партия депутатлик гуруҳлари фаоллигини кучайтириш» мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Матякубова ва бошқалар Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтиришга қаратилган маърузалар билан қатнашди. Муҳокамада иштирок этганлар Жамоатчилик қабулхоналари, бугунги кунда партия ва электорат ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаётганини таъкидлаб, уларнинг ишини янада фаоллаштиришга қаратилган амалий таклифлар билдиришди.

ТАҲЛИЛЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШ, КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ЖОЙЛАРДА ДОИМИЙ РАВИШДА КЎЧМА ҚАБУЛХОНАЛАРНИНГ ИШЛАШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, ҲУДУДЛАРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ҲАЛ ЭТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ҲАМДА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ КЎРСАТДИ.

Жумладан, «Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан чораларни амалга ошириш, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини тизимли юқори даражага кўтаришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни қай даражада, деб ўйлайсиз?» деган саволга иштирокчиларнинг катта қисми Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш, кўчма қабулхоналар ташкил этиш билан аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш, шу асосда депутатлик гуруҳлари орқали сессияларга масала тайёрлаш ва муҳокамага киритиш, уларда ҳуқуқшунос ва мутахассислар, барча даражадаги депутатлар иштирокини таъминлаш, Жамоатчилик қабулхоналарида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг қабулини жадвал асосида ташкил этиш керак, деб жавоб беришди.

Электорат вакиллари ва фаоллар мурожаатлар маҳаллий партия кенгашларнинг ўзида қолиб кетмаслиги, улар юзасидан депутатлар орқали аниқ ўрганиш, ҳуқуқшунослар, партиянинг фаол аъзолари билан қонунларга ҳаётий ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига тақдим этиш, шу орқали **«Жамоатчилик қабулхонаси — вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати»** механизмини яратиш зарур, деган фикр-мулоҳазалар беришди.

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИ, ШУНИНГДЕК, «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАРНИ ОЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН КУЧАЙТИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШДИ.

Эътироф этиш керакки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши фракцияларда қонун лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини яхшилаш имконини бериши билан бирга, қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини оширади. Яна бир муҳим жиҳат, бу каби ёндашув партия электорати ва кенг жамоатчиликнинг фикри янада тўлиқ эътиборга олинишига имкон яратади.

Бундай тизим, мавжуд муаммоларни янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, аҳолидан келиб тушаётган таклифларни умумлаштириш, уларни ишчи гуруҳларда ҳуқуқшунослар ва партиянинг экспертлари иштирокида муҳокама этишга имкон беради. Бунда бевосита Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан фойдаланиш давлатни бошқариш жараёнидаги аҳоли иштирокининг ёрқин мисоли бўлиб, жамиятни демократлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Аҳоли, сиёсий партиянинг электорат вакиллари ўзларининг сайлов органларидаги вакиллари (депутатлари) орқали қонунчилик тизимини такомиллаштириш, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган муқобил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади.

ШУНИНГДЕК, ТАДБИРДА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТИНИ ТАЪМИНЛАШ, МАРКАЗЛАШГАН ИНТЕРНЕТ ҚАБУЛХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ЎТИШ, НАМУНАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИНИ ОММАЛАШТИРИШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ БИЛАН АЛОҚАСИНИ МУНТАЗАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

Мурожаатларни таҳлил қилиб бориш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзгартиш киритиш эҳтиёжини аниқлаш, электоратни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, шу асосда қонунчиликни янада такомиллаштириш чораларини кўриш бўйича таклифлар айтилди.

Чунки Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларнинг мунтазам таҳлил қилиниши орқали амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, фракциянинг қонун ижодкорлиги ташаббускорлигини ошириш имконини кенгайтириши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, Жамоатчилик қабулхоналари партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар ва электорат ўртасида том маънодаги кўприкка айланиши одамларнинг партияга ишончини оширади, электорат манфаатини самарали ҳимоя этишга хизмат қилади.

**Маҳмуд ТОИРОВ,**
**Ўзбекистон ХДП**
**Марказий Кенгаши**
**бўлим мудири.**

---

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2013»

# «КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

## ҳар биримизнинг қалбимизга муҳрланган»

«Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи анча қизғин ўтди. Унда туман босқичларида ғолиб бўлган 12 нафар истеъдодли йигит-қиз ижтимоий-сиёсий фаоллигини кўрсатди. Билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

— Танловни кузатиб, шунга амин бўлдимки, партиямиз сафида салоҳиятли, интилувчан ёшлар кўпчиликни ташкил қилади, — дейди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Акром Ҳошимов.** — Уларнинг сиёсий билим ва кўникмалари юқорилиги бизни хурсанд қилди. Иштирокчиларнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғоялари, шу асосда қабул қилинаётган қонунлар моҳияти, партия дастурий мақсад ва вазифаларини чуқур билиши партиямиз сафида янги қатлам — ёш сиёсатчилар шаклланишига хизмат қилаяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Бугун ҳар бир тенгдошим жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда, — дейди **танлов иштирокчиси Умидхон Ҳошимов (Юнусобод тумани).** — Бу каби тадбирлар бизни янада фаолликка ундайди. Унга тайёрланиш жараёнида кўп нарсани ўргандим. Мақсадим — келажакда депутат бўлиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиш.

— Аввалида тенгдошларимнинг чиқишларини кўриб, бироз чўчидим, — дейди **танлов иштирокчиси, «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти лауреати Ситора Тошматова (Чилонзор тумани).** — Мен кўпроқ адабиёт соҳасига қизиқаман. ЎзХДПнинг мазкур танлови сиёсий-ҳуқуқий билимларимни оширишга ундади. Ғолибликни қўлга киритолмаган бўлсам-да, тенгдошларимнинг ғайрат-шижоатини кўриб ўзимга куч-қувват олдим. Кейинги гал албатта биринчи ўринни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Якуний натижага кўра, Шайхонтоҳур туманидан Маҳмудхўжа Пўлатхўжаев учинчи, Яккасарой туманидан Илҳом Рисқулов иккинчи, Юнусобод туманидан Умидхон Ҳошимов биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

✧ ✧ ✧

***Сиёсат нима, сиёсатчи ким, унинг фаолияти қандай мезонлар билан ўлчанади, бурчи, жамиятда тутган ўрни нималардан иборат?***

***Ёш сиёсатчи кўрик танловининг Жиззах вилоят босқичида қатнашган 12 нафар иштирокчи шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилди.***

**Мадина АЛИДДИНОВА,**
***танлов иштирокчиси (Пахтакор тумани):***

— Коллежни битирганимдан сўнг олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчиман, сиёсатчи бўлмоқчиман. Танлов шартларига тайёргарлик кўриш, унда қатнашиш жараёнида ўзимни худди депутат, партия етакчисидек ҳис қилдим. Шуни англаб етдимки, интилишдан тўхтамасам, келажакда яхши сиёсатчи бўлиб етишишим мумкин экан.

Кўрик-танловнинг нотиқлик санъати шартида ёшлар асосан ана шу масалалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бошқа шартларда ҳам турли фикрлар айтилди.

Танлов сўнггида Жиззах давлат педагогика институти талабаси **Бекзод Жўраев** ғолиб, деб топилди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

✧ ✧ ✧

Бугун ёшларнинг аксарияти билан суҳбатлашсангиз, ўз бизнесини ташкил этиш ниятида экани, янги лойиҳалар устида ишлаётгани ҳақида гапиради. Бу албатта, қувонарли. Чунки бундай ёшларнинг мақсади юрт тараққиётига ҳисса қўшиш, қолаверса, ўзи ҳамда оиласи турмуш тарзини янада яхшилашдир.

Хатирчилик Алишер Боймуродов ҳам айни кунда ўз ишини йўлга қўйиш арафасида, шу боис у «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танловида иштирок этиб, сиёсий, ҳуқуқий билимларини ҳам синаб кўрди. Чунки бошлаган ҳар қандай ишнинг муваффақияти учун бу жуда зарур.

Танловнинг иккинчи шартида у ўзининг янги лойиҳасини тақдим этди.

— Мазкур лойиҳа узумдан шарбат тайёрлашга мўлжалланган, — дейди **Алишер Боймуродов.** — Банкдан кредит олиб, ҳудудимиздаги вақтинча фойданилмаётган бинони таъмирлаш, керакли ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Лойиҳа амалга ошса, 30 нафардан зиёд касб-ҳунар коллежи битирувчиси иш билан таъминланади.

Ёш сиёсатчилар танловига бунинг нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Аммо яхши сиёсатчи аввало ижтимоий масалаларга ечим топа олиши керак, деб ўйлайман. Мен тақдим этган лойиҳа орқали ҳам ҳудуд иқтисодиётига фойда келади, ҳам янги иш ўринлари ташкил этилиши натижасида кўплаб оилалар ўзининг барқарор даромад манбаига эга бўлади.

Танловда бу каби кўплаб лойиҳалар тақдим этилди. Иштирокчилар ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада ривожлантириш, қишлоқларда замонавий инфратузилмани шакллантириш, кичик корхоналар, маиший ва сервис хизматини ташкил этиш орқали аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган таклифларини ўртага ташлашди.

— Танлов менда катта таассурот қолдирди, — дейди **биринчи ўрин соҳибаси, карманалик Шаҳноза Алиева.** — Бундай танловлар биз каби ёшларни бирлаштиради, янги истиқболли режаларни амалга оширишга рағбатлантиради.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**





Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

---

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар



# ЕТАКЧИ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Бундай тадбирларда қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ЎзХДП дастурий мақсадлари ҳамда олдимизда турган муҳим вазифалар хусусида фикр алмашамиз. Шунингдек, маҳалламиздаги кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, ҳамкор ташкилотлар кўмагида уларга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Сафимизни билимли ва иқтидорли ёшлар билан кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳисобот даврида 11 нафар ёш партия сафига қабул қилинди.

— ЎзХДП бошланғич ташкилоти тимсолида мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини янада кучайтиришга таъсир кўрсатаётган катта куч борлигини ҳис қиламиз, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъмуржон Холматов. — Маҳалла аҳолиси билан ўтказилаётган тадбирларда бошланғич ташкилот аъзолари фаол қатнашмоқда, партия дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тарғибот қилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Бошланғич партия ташкилоти имконияти ва кучидан тўлиқ фойдалана олаяпмиз, деб бўлмайди, — деди партия аъзоси Шоира Ўринова. — Партиямиз аъзоларининг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги иштирокини янада кучайтиришимиз зарур. Янги қабул қилинган қонунлар тарғиботи, оилавий бизнесга берилган имкониятлар тўғрисида янада кенгроқ тушунча бериш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича қуйи бўғин амалий ташаббуслар билан чиқиши лозим.

Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишида йўл қўйилган камчиликлар, айрим йўналишлардаги сусткашликлар танқид қилинди. Бундан тўғри хулоса чиқариб, бошланғич ташкилот ташаббускорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Амалга ошираётган ишларининг кўлами, ташкилотчилик қобилияти инобатга олиниб, Дилором Умарова бошланғич партия ташкилоти етакчиси этиб қайта сайланди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

**Тошкентда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан «БМТ — хотин-қизлар» дастурларини Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида амалга ошириш бўйича минтақавий офиси ҳамда Германиянинг омонат кассалари жамғармаси кўмагида ташкил этилди.**

Конференцияда Германия, Италия, Хитой, Малайзия, АҚШ ва МДҲнинг қатор давлатларидан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирликлар, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган кенг кўламли комплекс ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашда иштирокини кенгайтириш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ушбу муҳим вазифаларни бажариш доирасида тизимли ва изчил ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилаётир. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси шакллантирилган. Уни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, саксондан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Ушбу соҳадаги асосий халқаро конвенциялар ва ҳужжатлар ратификация қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилоти хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қарийб 540 хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини амалга ошириб келмоқда. Фуқаролик жамиятининг ушбу институтлари ижтимоий шериклик доирасида кўплаб давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизларга оид кўплаб муҳим долзарб масалаларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқда.

«Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаол иш юритаётганининг гувоҳи бўлдик, — дейди **Шанхай хотин-қизлар федерацияси президенти Цзяо Ян (Хитой).** — Буни мамлакатингизда кучли ижтимоий давлат сиёсатини амалга оширишга ёрдам бераётган хотин-қизлар ташкилотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шанхайда 330 шундай ташкилот бор. Фаолиятимиз тизими бир-бирига ўхшаш. Бугунги кунда аёл нафақат она, рафиқа, балки жамиятнинг фаол аъзоси ҳамдир. Бироқ, бунинг учун у тегишли ҳуқуқий билимга эга бўлиши, ўз халқининг маданияти, тарихини яхши билиши керак. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ташвишу муаммоларига ҳам катта эътибор қаратилиши даркор. Ўзбекистонда ушбу барча йўналишларда салмоқли ишлар амалга оширилаётганини кўрдик».

Малайзия ишбилармон хотин-қизлар халқаро ассоциацияси президенти Нозаризах Борханнинг фикрича, «Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини таъминлаш учун барча зарур инфратузилма яратилган. Мамлакат раҳбарияти бунга катта эътибор қаратаётгани ҳам ғоят муҳим. Бу борада жамоат ташкилотлари, жумладан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар фаоллик кўрсатиб, ижтимоий тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, улар томонидан хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини оширишда улкан ишлар олиб борилмоқда».

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

Давлат ва жамиятни бошқаришда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларига сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота белгиланган. Натижада ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлар корпусининг 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар аъзолари сафида ҳам хотин-қизлар кўпаймоқда.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида меҳнат қилаётганларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар орасида машҳур инсонлар — корхоналар, ташкилотлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, илм-фан, маданият, таълим соҳаси вакиллари кўп.

«Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кенг миқёсда таъминланаётганини менда катта ҳавас уйғотди, — дейди **АҚШ хотин-қизлар ташкилотлари миллий кенгаши раиси Сьюзен Скенлан.** — АҚШда ҳам хотин-қизлар учун Ўзбекистондаги каби Президентингиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан яратилган кенг имкониятлар берилишини истар эдим. Америкада аҳолининг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этишига қарамай, Конгрессда уларнинг сони 20 фоиздан ошмайди. Мен Ўзбекистон халқидан, жумладан конференцияда танишган юксак салоҳиятли ўзбек аёлларидан кўп нарсаларни ўрганмоқдаман. Бу ерда йўлга қўйилган ажойиб тизим хотин-қизларнинг жамиятда, кўплаб жабҳаларда эркаклар билан тенг ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ҳақида Америкада сўзлаб бермоқчиман. АҚШда бу борадаги ўзгаришлар жуда суст кечмоқда. Бундан атиги 22 йил муқаддам мустақилликка эришган Ўзбекистон кўплаб йўналишларда бизга ибрат бўлиши мумкин. Келажакка дадил қараётган доно Президент раҳнамолигида Ўзбекистон халқи амалга ошираётган бундай ишларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайман».

Чет эллик экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш, жумладан, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ишларида фаол иштирокини кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишда яратилган кенг имкониятлар бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида яратилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилган. Умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она — соғлом бола» дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда энг чекка туманлардаги хотин-қизлар ва болаларга ҳам малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Қарийб 3200 қишлоқ врачлик пункти, давлат томонидан кафолатланган бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг мутлақо янги тизими, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоятлар кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлар тармоғи ташкил этилди. Уларнинг фаолияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига жавоб берадиган ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш бўйича илғор технологияларга асосланган. Туғиш ёшидаги аёлларни мунтазам оммавий профилактика кўригидан ўтказиш йўлга қўйилган. Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва репродуктив саломатликни яхшилашга доир кенг кўламли маърифий ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ишларининг муҳим қисмидир. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизлар ва аёллар учун спортнинг 39 тури бўйича 35 мингдан ортиқ секция ташкил қилинган. Ҳар йили аёллар ўртасида ҳудудий спорт фестиваллари ўтказилмоқда. Бугун Ўзбекистонда 3,5 миллион нафардан ортиқ хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида мустақиллик йилларида хотин-қизлар ва болаларнинг касалланиш даражаси анча камайди, оналар ва болалар ўлими уч бараварга қисқарди, аёлларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 75 ёшга узайди. Хорижлик экспертлар бу кўрсаткичлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юксак самаралар бераётганидан ёрқин далолат эканини таъкидлади.

«Ўзбекистонда ўзим учун кўплаб фойдали нарсаларни билиб олдим, — дейди **Синжерей тумани раисининг ўринбосари Виталий Табарча (Молдова).** — Масалан, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раислари айни пайтда ҳоким ўринбосари этиб тайинланишига оид тажрибангиз жуда ноёбдир. Бу хотин-қизлар билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқий, ижтимоий ва гуманитар масалаларни ҳал этишда давлат ва жамият имкониятларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Ўзбекистонда оналик ва болалик муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Юртингизда болалар соғлом туғилиши ва ўсиши учун алоҳида эътибор қаратилаётир. Молдовада давлат соғлиқни сақлашга маблағ ажратмайди, барча харажатлар тиббий суғурта, яъни аҳоли ҳисобидан қопланади. Ўзбекистонда мазкур соҳа тўлиқ давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Бу — жуда катта ютуқ. Бундан ташқари, фуқарога бепул мажбурий 12 йиллик таълим, бир ёки икки касбни эгаллаши кафолатланган. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда ёш авлод тўлиқ давлат ҳимоясига олинган. Молдовада ҳам бу ибратли тажрибадан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайман. Зеро, хотин-қизлар ва болаларнинг ривожланиши учун бундай қулай шарт-шароитларни яратиш мамлакат ҳамда жамият тараққиёти билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳал этишга хизмат қилади».

Мамлакатимизда хотин-қизлар роли ва мавқеини ошириш учун уларнинг, биринчи галда, қишлоқ жойларда бандлигини кенгайтириш катта аҳамиятга эга. Ўтган йили мақсадли ҳудудий дастурларни амалга ошириш доирасида 430 мингдан зиёд, жорий йилнинг биринчи чорагида эса қарийб 114 минг иш ўрни ташкил этилди. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига, аввало, кичик ва оилавий бизнес, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиш, касаначиликни ташкил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. 2013 йилнинг биринчи чорагида касаначи хотин-қизлар учун 27,6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Тадбиркор аёлларга кредит ажратиш ҳажми ҳам ортиб бораётир. Ўтган йили тижорат банклари томонидан ушбу мақсадлар учун 491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, жорий йил бошидан буён 300 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

«Жамғармамиз Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва банклари билан 10 йилдан буён хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди **Германия омонат кассалари жамғармаси департаменти директори Матиас Фосс.** — Ҳудудларда хотин-қизлар маслаҳат марказларини ташкил этдик. Улар хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, оилавий бизнес соҳасида билим ва касб эгаллаши, кредит олишига ёрдам бермоқда. Бу, аввалambor, олис қишлоқ туманларида аёллар ўртасида тадбиркорликни кенгайтириш, касаначиликни ташкил қилишга хизмат қилмоқда. Қарийб 6,5 минг нафар хотин-қизга маслаҳат ёрдами кўрсатилди. 10 минг нафардан ортиқ хотин-қиз бизнес-кўникмаларини ривожлантиришга доир ишбилармонлик тадбирларида иштирок этди. Тадбиркор хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган аёлларни микрокредитлаш орқали бошланғич капитал билан таъминлаш ҳамкорликдаги ишларимизнинг муҳим йўналишларидандир. Ажратилган кредитлар умумий ҳажми 14 миллиард сўмдан ошди. Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатингиздаги хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича бундай тизим дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатида йўқ. Германияда ҳам буни ўрганишимиз лозим».

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг маънавий, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан 1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Ушбу мукофотга ўқишда, ижодда ва ижтимоий ҳаётда юксак натижаларга эришаётган қизлар сазовор бўлмоқда. 196 нафар қиз ушбу мукофот соҳибаларидир.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Бу аёлларнинг вазифаси ва фаолияти жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда қулай маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган.

Тадбирнинг хорижий иштирокчилари Ўзбекистонда истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифа ва ваколатлари анча кенгайганига эътибор қаратди. Уларнинг фаолиятида хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш муҳим ўрин тутади.

«Ўзбекистонга олтинчи маротаба келишим, — дейди **«Европа аёллар лоббиси» ташкилотининг Италиядаги бўлими бош котиби Мария Людовика Боттарелли.** — Мамлакатингиз иқтисодиёти, ижтимоий соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Давлатингиз хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Бу борада ноёб фуқаролик институти — маҳалла ижтимоий алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятнинг саъй-ҳаракатларини муайян одамлар эҳтиёжларига йўналтиришга ёрдам бермоқда. Бугунги кунда маҳалла — бу ўз ишини бошлашга, ижтимоий ва сиёсий фаол бўлиш, ўз ҳуқуқларини билишга интилаётган хотин-қизлар учун муҳим таянчдир. Маҳалла манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланмоқда, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бундай ўзига хос тажрибани, шубҳасиз, ўрганиш ва бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш лозим».

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2013-2014 йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва оилани мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, давлат ва жамият қурилишида кенг иштирокини таъминлаш бўйича ҳаракат дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани чет эллик экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу дастур давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, 2013 йилнинг Ўзбекистонда Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган.

Конференциянинг хорижий иштирокчилари Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ноёб тажриба эканлигини ҳамда юксак самара бераётганини таъкидлади. Уларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг ушбу муҳим соҳадаги тажрибаси жуда ноёб. Жаҳоннинг тараққиётга интилаётган давлатлари ушбу бой тажрибани ўрганиши ва ундан фойдаланиши лозим. Бу тажриба Ўзбекистондаги барча туб ўзгаришлар инсон манфаатлари ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётганидан ёрқин далолатдир.

Конференция доирасида Ўзбекистоннинг қатор хотин-қизлар жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Чет эллик экспертлар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳридаги «Журжоний» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, шунингдек, тадбиркор аёллар ҳунармандчилик ишларининг Ёшлар ижод саройида ташкил этилган кўргазмаси билан танишди.

Конференция якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Хориж

# АҲОЛИНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИ

## ОРТИҚЧА ВАЗНГА ЭГА

***Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саломатликни мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари бўлимидан маълум қилишларича, дея хабар беради «Интрфакс» АА, бугунги кунда меҳнатга яроқли аҳолининг учдан бир қисми ортиқча вазнга эга.***

Аниқроқ айтадиган бўлсак, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг маълумотларида қайд этилишича, 51,7 фоиз аёл ва 46,5 фоиз эркак айнан шундай хасталикка дучор бўлган. Мактаб ўқувчиларининг 17 фоизи эса меъёрдаги вазнда эмас. Бунга сабаб тўғри овқатланиш қоидаларига риоя этилмаётгани ва ўта калорияли озиқ-овқатлар истеъмолига ружу қўйилаётганидир.

Меҳнатга яроқли 25-30 фоиз россияликларнинг ортиқча вазнга эгалиги хавотирлидир. Бундай муаммо нафақат Россияда, балки барча ривожланган мамлакатларда кузатилмоқда.

Ҳар учтадан битта оила тўғри овқатланиш тартибига риоя этмайди. Ота-оналарнинг 30 фоизи болаларига кетчуп ёки майонезли тамаддиларни истеъмол қилишига шароит яратиб бермоқда. Бундан ташқари, шакарли ва тузли озиқ-овқатлар истеъмоли ҳам кўпайиб бормоқда. Балиқ, мева-чева ҳамда сабзавот маҳсулотлари эса аксинча кундалик овқатланиш рационида тобора қисқариб бормоқда.



# ТАЪСИР ЭТИШ ОРҚАЛИ

## УМРНИ УЗАЙТИРИШ МУМКИН

***Швейцария олимлари кексайиш сирини очишга муваффақ бўлганлигини маълум қилдилар.***

«The Australian» нашрида айтилишича, олимлар сичқон устида тажриба ўтказиб, унинг узоқ умр кўришини таъминловчи генини аниқладилар ва кейинчалик антибиотик ёрдамида чувалчангнинг умрини 60 фоиз узайтиришнинг уддасидан чиқдилар. Бу чувалчанглар нафақат узоқ яшади, шу билан бирга уларнинг жисмоний қуввати ва кўриниши ҳам бошқа турдошларига қараганда ўзгача тус олди.

Олимлар сичқоннинг митохондриясини тадқиқ қилиб, уларнинг 3 та гени умр давомийлиги учун «жавоб» беришини аниқладилар.

Митохондрия — бу ҳужайра ичида яшовчи бактериядир. Шу боис ҳам олимлар антибиотик орқали уларга таъсир кўрсатди.

Митохондриялар озуқа моддаларини оқсилга айлантириб беради.

Дунё олимларининг аввалги тадқиқотларида митохондрия кексайишни бошқарувчи омил сифатида тан олинганди. Швейцариялик олимлар бу қарашларга янада аниқлик киритдилар.

# КЎЗДАН НЕГА ЁШ ЧИҚАДИ?

## БУНИНГ САБАБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

***Биолог олимларнинг илмий тадқиқотларига кўра, кўз ёши кўзнинг мугуз пардасини (кўзнинг энг устки тиниқ пардаси) қуриб қолишдан ва уни ташқи таъсирлардан ҳимоялаш учун ёш чиқаради, дея ёзади «Аргументы и факты» газетаси.***

Кўз ёши таркибида энг фойдали модда — лизоцим мавжуд бўлиб, у турли микробларни ўлдириш қудратига эга. Шу боис ҳам у кўз пардасини бактериялар таъсиридан, касалланишдан асрайди.

Кўз ёши йиғламасак-да, доимий равишда ажралиб чиқади. Бу билан кўз тозалиги таъминланади.

Унинг нима учун шўр эканлигига келсак, унда тузларнинг бир неча тури мавжуд, хусусан, ўзимиз овқат тайёрлашда фойдаланадиган хлорид натрий тузи ҳам бор.

Умуман, кўз ёши қондан яралган. Шу боис ҳам шўр. Унинг кимёвий таркиби қон таркиби билан жуда яқин. Кўз ёши ўзида олиб юрадиган «ахборот»лар миқдори қондагидан қолишмайди. Ва бу таркиб организм аҳволига қараб ўзгариб туради.



# КЎЛ СУВИ

## 6 МЕТРГА КЎТАРИЛАДИ

***Арманистондаги Севан кўли денгиз сатҳидан анча юқорида — 1,9 минг метр баландликда жойлашган, Европа ва Осиёдаги энг баланд кўллардан биридир. У бутун Арманистонни ичимлик суви билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади.***

1933 йили халқ хўжалиги мақсадлари учун ундан фойдалана бошланганида кўлда 58 миллиард куб метр сув бор эди. Аммо 2002 йилгача кўл сувидан хўжасизларча фойдаланиш унинг сатҳини 19,29 метргача тушириб юборди ва кўл суви 33 миллиард куб метрнинг нари-берисида бўлиб қолди, дея хабар беради «Новости» АА.

Шундан сўнг республика ҳукумати кўл сувидан тежамли фойдаланишни тартибга сола бошлади ва мамлакат президенти ҳузуридаги Севан кўли муаммолари бўйича комиссия саъй-ҳаракатлари боис 2012 йил охирида кўл сувининг сатҳи 3,78 метрга кўтарилди. Жорий йилнинг 1 январидан шу кунгача эса бу кўтарилиш 8 сантиметрни ташкил этди.

Эндиликда 2030 йилгача сув сатҳини 6 метрга кўтариш ва умумий сув захирасини 42 миллиард куб метрга етказиш кўзда тутилган. Бу 2002 йилдаги кўрсаткичдан 8 миллиард куб метрга кўпдир.



Дарвоқе, кўлнинг узунлиги 70 километрга чўзилгани ҳолда унинг суви 1,5 минг квадрат километр майдонни эгаллаган. Чуқурлиги эса 83 метргача етади. Кўл 28 та дарёдан сув «ичади». Атиги 1 та дарёдан — Раздан дарёсидан сув чиқаради.

Спорт

# ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ



— «Универсиада — 2013» мусобақалари нафақат талаба-ёшлар, балки бутун халқимиз учун катта спорт байрамидир, — дейди Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Нигора Сафарова. — Бу йирик тадбирни юқори савияда ташкил этиш учун турли касб эгалари, катта-ю кичик жонбозлик кўрсатиб, ўз улушини қўшишга интиляпти.

— Универсиадалар менинг ҳаётимда муҳим ўрин тутади, — дейди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медали совриндори Ришод Собиров. — Ҳамон эсимда, Тошкентда ўтказилган «Универсиада — 2007» мусобақаларида илк маротаба ғолиб бўлганман. Беллашувлар якунида «Энг чиройли усул учун» номинациясида махсус соврин билан тақдирлангандим. Орадан бир йил ўтиб, Пекин олимпиадаси совриндорлари сафидан жой олдим. Сўнгра, Андижонда «Универсиада — 2010» мусобақалари олтин медалига сазовор бўлганман. Бухорода ўтаётган навбатдаги беллашувларга меҳмон сифатида таклиф этилганман.

Халқаро Олимпия ўйинлари машъаласи Грециядаги Гера ибодатхонасида қуёш нурларидан аланга олдирилади. Бундай ноёб хусусиятга эга маскан Ер юзининг саноқли жойларида, жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида ҳам бор.

Мамлакатимизда ташкил этилган уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари машъалалари айнан шу ерда — Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилади.

Талабаларнинг «Универсиада — 2013» мусобақалари машъаласи ҳам 4 июнь куни ана шу ерда аланга олдирилди. Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган маросимда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар ва спортчилар иштирок этди.

«Универсиада — 2013» машъаласи дастлабки куннинг ўзида Тошкент — Сирдарё — Жиззах вилоятлари йўналиши бўйлаб ҳаракатланди. Кеча эса Самарқанд ва Навоий вилоятларидан ўтган машъала кортежи ҳамда пиёдалар эстафетаси бугун куннинг иккинчи ярмида Бухоро шаҳрига кириб келиши кутилмоқда.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

# РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ

## *муросасиз мусобақада иродаси ва интеллектуал салоҳиятини намойиш қилди*

**Юртимиз спортининг фахри, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Халқаро шоҳмот федерацияси (FIDE) Салоникида ўтказган Гран при мусобақасининг 4-босқичида 11 имкониятдан 5,5 очко жамғариб, дунёнинг кучли 12 нафар гроссмейстери орасида 6-ўриндан жой олди.**



Қосимжонов ўтган йили Лондонда ўтказилган FIDE Гран присининг 1-босқичида 4,5 очко билан 9-ўринни, Тошкентда ташкил қилинган 2-босқичда 6 очко билан 6-ўринни, шу йил Цуг шаҳрида уюштирилган 3-босқичда 4,5 очко билан 11-ўринни эгаллаган эди. Агар Салоникида ўтган мусобақанинг 66 учрашувидан 29 тасида қайсидир томон ғалаба қозонганини ҳисобга олсак, мазкур Гран при босқичи Рустамнинг шоҳмот фаолиятида алоҳида ўринга эга.

Дарҳақиқат, Қосимжонов Салоникидаги мусобақада ўзининг чиройли юриш ва комбинациялари билан барчани ҳайрон қолдирди. Гарчи 6-турда 18-жаҳон чемпиони Топаловга қарши ўйин дуранг билан якунланган бўлса-да, муросасиз кураш учрашув давомида мутахассису мухлисларни ҳаяжонга солди. Муҳими, Рустам сўнгги имкониятигача ғалаба учун курашди. Ниҳоят, 57-юришда тахтада икки шоҳ қолганда ҳакамлар дуранг қайд этишди. Бунақаси гроссмейстерлар учрашувида кам учрайди.

Жанговар кайфият Рустамга 8-турда ғалаба келтирди. У қора доналар билан испанча партияда 16-жаҳон чемпиони Понамарёвни 77-юришда мағлубиятга учратди. Кейинги учта турда ҳамюртимиз Иванчук, Свидлер ва Гришчук билан дурангга келишганига қарамай, шоҳмот назариясини бойитадиган юришлар қилди. Шу тариқа Рустам Қосимжонов 2012/2013 йилларда уюштирилган Гран при мусобақасидаги иштирокини кўтаринки кайфиятда якунлади.

Гран при 4-босқичида қатнашчилар тўплаган очко ва қўшимча кўрсаткичларига кўра, қуйидаги тартибда жойлашди: Леньер Домингес (Куба) — 8 очко; Фабиано Каруана (Италия) — 7,5; Гата Камский (АҚШ) — 7,5; Руслан Пономарев (Украина) — 6; Александр Гришчук (Россия) — 6; Рустам ҚОСИМЖОНОВ (Ўзбекистон) — 5,5; Хикару Накамура (АҚШ) — 5; Веселин Топалов (Болгария) — 4,5; Пётр Свидлер (Россия) — 4,5; Этьен Бакро (Франция) — 4; Александр Морозевич (Россия) — 4; Василий Иванчук (Украина) — 3,5 очко.

**Асрор МЎМИН**

**Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири қизғин давом этмоқда. Бадиий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган спорт мактабида ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил, Россия сингари ўн бешга яқин давлат спортчилари ғолиблик учун майдонга чиқишаётир.**

# НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

— Бугун Ўзбекистонда кўплаб соҳалар сингари спортни, жумладан, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор алоҳида эътирофга сазовордир, — дейди Осиё гимнастика иттифоқи президенти Раҳмон ал-Шатрий. — Охирги йилларда юртингизнинг бадиий гимнастика бўйича нуфузли мусобақаларга муносиб мезбонлик қилиб келаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Тошкент шаҳри 2004, 2005, 2011 ва 2012 йилларда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичлари, 2010 йилда ўсмир қизлар ўртасида Осиё чемпионатига мезбонлик қилди. Осиё гимнастика иттифоқи ўзининг Бош ассамблеясини 2012 йилда Ўзбекистон пойтахтида ўтказгани ҳам юртингизда ушбу спорт тури ривожланаётганининг халқаро эътирофидир.

Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли гимнастикачилари, «Happy Caravan» халқаро турнирида эса ўсмир қизлар яккалик ва гуруҳ баҳсларида арғамчи, ҳалқа, тўп, булава, тасмада машқ бажариш ҳамда кўпкураш бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш қилишяпти. Халқаро ҳакамлар бригадаси эса гимнастикачилар бажарган композицияларни уч йўналиш — ижро маҳорати, артистизм ва машқнинг мураккаблиги бўйича баҳолаб боришмоқда.

Мусобақаларда мутахассисларимиз Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева, Валерия Давидова, Луиза Ғаниева, Зарина Қурбонова, Дарья Свечникова каби моҳир гимнастикачиларимизга ишонч билдиришган.

Мусобақаларнинг биринчи куни «Happy Caravan» халқаро турнирининг яккалик кўпкураш баҳсларида саккиз мамлакат вакиллари ҳалқа ва тўпда машқ бажариш бўйича беллашди. Иқтидорли гимнастикачимиз Равиля Фарҳуддинова ҳалқада машқ бажариш бўйича 15,4 баллни қўлга киритди. Ушбу баҳсда қатнашган яна бир спортчимиз Жасмин Юсупованинг чиқиши 14,7 баллга лойиқ топилди.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

***Суратда:** Комила Саидхонова (Ўзбекистон).*

Шунингдек, тўп билан машқ бажаришда Комила Саидхонова 14,45, Сабина Тошкенбоева 13,25 балл жамғарди.

**(Ўз мухбиримиз.)**

# ИККИ ЎРИНГА УЧТА ДАЪВОГАР

***Футбол бўйича келгуси йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси саралаш учрашувлари ҳал қилувчи паллага кирди.***

Мусобақанинг «А» гуруҳида навбатдаги турда Ўзбекистон миллий терма жамоаси дам олган бўлса, қолган икки ўйинда қуйидаги натижалар қайд этилди: Қатар — Эрон — 0:1, Ливан — Жанубий Корея — 1:1.

*«А» гуруҳидаги вазият*

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Ж.Корея** | 6 | 3 | 2 | 1 | 12-6 | 11 |
| **2. Ўзбекистон** | 6 | 3 | 2 | 1 | 6-4 | 11 |
| 3. Эрон | 6 | 3 | 1 | 2 | 3-2 | 10 |
| 4. Қатар | 7 | 2 | 1 | 4 | 4-8 | 7 |
| 5. Ливан | 7 | 1 | 2 | 4 | 3-8 | 5 |

Кейинги тур учрашувлари 11 июнь куни ўтказилади. Унда Жанубий Корея — Ўзбекистон, Эрон — Ливан терма жамоалари ўзаро куч синашади. Агар ҳамюртларимиз Сеулда ғалаба қозонишса, муддатидан илгари жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритади.

«В» гуруҳида Япония футболчилари австралияликлар билан дуранг (1:1) ўйнаб, саралаш учрашувларида муддатидан аввал муваффақият қозонган биринчи терма жамоа бўлди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида уммонликлар Ироқ вакилларини кичик (1:0) ҳисобда енгди.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ**

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши реклама ва полиграфия маҳсулотлари (баннер, штендер-паучок ва байроқчалар) тайёрлаш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Таклифлар жорий йилнинг 15 июнигача қабул қилинади.

***Манзил:*** 100029, Тошкент ш., Мустақиллик м., 5/3.

***E-mail:*** info@xdp.uz,

***телефон:*** (+99871) 239-11-98, 239-12-09.

**ОБ-ҲАВО** 4-5 — 06. 2013

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | +15 / +20 | +32 / +37 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | +17 / +22 | +33 / +38 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | +17 / +22 | +32 / +37 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +18 / +23 | +35 / +40 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | +15 / +20 | +32 / +37 |
| *Тошкент шаҳри* | +18 / +20 | +33 / +35 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +11 |
| Париж | +14 / +16 |
| Москва | +9 / +12 |
| Мадрид | +16 / +15 |
| Пекин | +19 / +21 |
| Канберра | +2 / +4 |
| Рим | +13 / +14 |
| Афина | +16 / +17 |
| Токио | +21 / +19 |
| Стокгольм | +10 / +11 |
| Кейптаун | +10 / +10 |
| Қоҳира | +22 / +21 |
| Гавана | +24 / +24 |
| Вашингтон | +20 / +19 |

Реклама ўрнида

# «TOSHKENT — TRANS — ENERGO» ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ

## *ҳамда юқори ва паст кучланишли электр ускуналари мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида кенг қўлланилмоқда*

**2004 йилда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида энергетика ва электрлаштириш соҳасида муҳим ҳисобланган мойли трансформаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур корхона «TOSHKENT — TRANS — ENERGO» номини олди.**




Айни дамларда ушбу хусусий корхонада ишлаб чиқарилаётган мойли трансформаторлар, турли ҳажмдаги подстанциялар мамлакатимиз нефть-газ ва энергетика соҳасида кенг қўлланилаётир. Қолаверса, бу ерда тайёрланаётган 30 турдаги ана шундай маҳсулотлар нафақат ички бозордаги харидорларга, балки хорижий истеъмолчиларга ҳам манзур бўлаяпти.

Қўлимизда корхонанинг йиллик ҳисоботи: жамоада ўтган 2012 йилда 2 миллиард 500 миллон сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган.

— Хўш, бундай рақамларга нима ҳисобидан эришиляпти?

— Ташаббускорлик, қолаверса, меҳнат туфайли жавоб берди — **хусусий корхона раҳбари, «Ташаббус — 2013» танловининг «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича Тошкент шаҳар босқичи ғолиби Хушнудбек Бекчанов.** — Сўнгги йилларда маҳсулот сифатига бўлган алоҳида эътибор ва ишнинг унумли ташкил этилганлиги қўлга киритилаётган ютуқлар омили бўлмоқда. Жамоамиз аъзолари ўз ички имкониятларини ишга солган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтиришга эришмоқдалар. Энг асосийси, юқори ва паст кучланишли электр ускуналари ва бошқа зарурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мамлакатимиздаги маҳаллий корхоналарда тайёрланган ашёлардан кенг фойдаланмоқдамиз. Маҳаллий хомашёлар эса — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзкабель», «Пахтакабель», «Ангрен электро изолятор», Тошкент труба заводи сингари қатор корхоналардан келтирилмоқда. Бу эса ўз навбатида, валютани тежаш имконини бераётир.

Жамоанинг йиллик ҳисоботини кўздан кечирамиз: унда хусусий корхонанинг йил мобайнида ўртача 500 дан зиёд турли ҳажмдаги трансформаторлар ҳамда юқори ва паст кучланишли ускуналар ишлаб чиқариш қувватига эга эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, корхонада қирқ нафар ёшлар муқим иш ўринлари билан таъминланди, деган қайдлар ҳам бор.

...Айниқса, жамоа аъзолари жорий йилда 5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда — деган рақамларни ҳам учратасиз.

— Бунга тўла асос бор, — дейди **Хушнубдек Бекчанов.** — Боиси, Президентимизнинг **«Рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш ҳажмини кенгайтириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар дастури тўғрисида»**ги қарори маҳсулот ҳажмини оширишимизда дастуриламал бўлмоқда. Эндиликда биз корхонамизга Хитойнинг «СИАНЬ ЧИЮАНЬ МЕХАНИКАЛ ЭНД ЭЛЕКТРИКАЛ ЭКУИПМЕНТ КО.ЛТД» компаниясида тайёрланган, трансформаторлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг замонавий, энг муҳими жаҳон андозаларига тўла жавоб бераоладиган ускуналарни ўрнатиш борасида изланмоқдамиз. Ана шундай янги технологияларнинг жорий этилиши ҳисобига маҳсулот сифати ва миқдори икки баравар ортиши кутилмоқда. Бу эса миллион-миллион сўмлик қўшимча даромад, қолаверса, хорижникидан асло қолишмайдиган «MADE IN UZBEKISTAN» ёрлиқли трансформаторларни турли мамлакатларга экспорт қилиш имконини беради.

Дарҳақиқат, корхона жамоаси ўз маҳсулотларини яқин кунлар ичида Қозоғистон, Туркманистон сингари давлатларга экспорт қилиш юзасидан амалий ишларни бошлаб юборишган.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodilla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir 1-o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
16158 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.50
Topshirilgan vaqti — 00.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5